



Fidoyilik —
vatanga xizmat demak!

2022-yil 28-aprel, payshanba,
49 (23.616)-son

КУН
ҲИКМАТИ

Омад
кибрга
йўл
очади

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan



www.zarnews.uz



https://www.facebook.com/zarnews.uz



@zarnews_uz



https://twitter.com/zarnews_uz

Президент қарорига кўра

Марказий поликлиникаларда болалар бўлими очилади

Давлат раҳбари томонидан 25 апрель кун
“2022-2026 йилларда
оналик ва болалик-
ни муҳофаза қилишни
кучайтириш тўғрисида”
қарор қабул қилинди.

Хужжатда соғлиқни
сақлаш тизимининг бир-
ламчи бўлинида оналар ва
болалар ўртасида касал-
ликлар профилактикаси,
уларни барвақт аниқлаш
ва соғломлаштириш дас-
турлари амалиётга жорий
этилади.

Энди болалар, ҳоми-
ладор ҳамда эмизикли
аёлларни витамин ва
минераллар билан бепул
таъминлаш ҳамда мақсад-
ли скрининг тадбирлари
орқали касалликларнинг
самарали профилактикаси
олиб борилади.

Янгидан ташкил этила-
ётган 46 та туманлараро
перинатал марказларда
6 ўриндан кам бўлмаган
чақалоқлар реанимацияси
бўлими очилади.

2022 йил 1 майдан
бошлаб туман (шаҳар) кўп
тармоқли марказий поликли-
никаларида болалар бўли-
ми, туман (шаҳар) тиббиёт
бирлашмаларида амалдаги
штат бирликлари доирасида

болалар анестезиология-ре-
анимация бўлимилари ҳамда
кечаю кундуз шошилич
тиббий ёрдам кўрсатувчи
педиатрия постлари ташкил
этилади.

Республика перинатал
маркази, Қорақалпоғистон
Республикаси, вилоятлар
ҳамда Тошкент шаҳар пери-
натал марказлари ва бола-
лар кўп тармоқли тиббиёт
марказларида 2022-2023
йилларда жами 29 та
шошилич перинатал ҳамда
шошилич педиатрик мобил
навбатчи реанимацион
бригадалар фаолияти йўлга
қўйилади.

Янги туғилган чақа-
лоқларда эшитиш нуқсон-
ларини эрта аниқлашга
қаратилган аудиооскрининг
тадбирлари вилоятларда-
ги болалар кўп тармоқли
тиббиёт марказлари ва
хўдудлардаги барча туғруқ
комплексларида татбиқ
этилади.

2022 йил 1 майдан
бошлаб Болалар гематологи-
яси, онкологияси ва клиник
иммунологияси маркази-
да даволанаётган бемор
болаларга қаровчи шахслар
(ота-она ва бошқалар) учун
бепул овқатланиш йўлга
қўйилади.



“Спинал мушак атрофияси ташхиси қўйилган беморларга тиб-
бий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва дори воситаларини бепул етказиб
бериш тизимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Прези-
дент қарори эълон қилинди.

Ушбу қарорга кўра, эндиликда мазкур
ташхис қўйилган бемор болалар давлат
томонидан тиббий-ижтимоий ёрдам дои-
расида патогенетик дорилар, тиббий ва
ортопедия мосламалари ҳамда реабилита-
ция техник воситалари билан кафолатли
таъминланади.

Ўзи бу қандай касаллик, деган савол
туғилиши табиий. Спинал атрофия ир-
сий дегенератив касаллик бўлиб, орқа
мияда ва мия устунида жойлашган нерв
хужайраларининг дегенерацияси, яъни
ўз структурасининг йўқолиши натижа-
сида бутун тана мушакларида кучсизлик
ва атрофия - мушаклар озикланишининг
бузилиши келиб чиқади. Касалликка сабаб
ген мутациялари ҳисобланади.

Бошланишига қараб, унинг тўртта тури
мавжуд. Бир турида касалликка хос бўл-
ган клиник белгилар бола ҳаётининг илк

кунларидан билиниб, 6 ойликка келиб,
тўлиқ намоён бўлади. Боланинг жисмоний
ривожланишига хос бўлган белгилар, ҳу-
сусан, бола бошини тутта олмаслиги, бутун
танадаги кўндаланг тарғил мушаклар
кучсизлиги кузатилади.

Яна бир тури – бола уч ёшида белги-
лар намоён бўлиб, унда овқат ютишга қий-
нашли, физиологик рефлекслар қақирил-
маслиги, бола жисмоний ривожланишдан
тўлиқ орқада қолиши кузатилади.

Учинчи тури – 15 ойликдан 19 ёшгача
муддатда бошланиб, бутун тана, қўл, оёқ
мушакларида ориқлаш, атрофия келиб
чиқади.

Яна бир хили катталарда – 30-60
ёшлар оралиғида келиб чиқиб, тана
мушакларининг кучсизлиги кун сайин
ривожланиб боради.

Қарорга кўра, спинал мушак атрофия-

Никоҳланувчилар молекуляр-генетик тестдан ўтказилади

си касаллиги бўйича хавф гуруҳидаги
ҳомилалар аёллар ҳудудий она ва бола
скрининг марказларида, шунингдек,
ихтисослаштирилган педиатрия илмий-а-
малий тиббиёт маркази қошида ташкил
этилаётган замонавий молекуляр-гене-
тик миллий референс лабораторияси ва
унинг ҳудудий филиалларида дастлабки
ҳамда келгусида уни даволаш стратегия-
сини белгилаш мақсадида бепул диагно-
стикадан ўтказилади. Бунда, ҳомилалар
аёллар яшаш жойи бўйича кўп тармоқли
марказий поликлиникалар таркибидаги
“Аёллар маслаҳатхонаси бўлими” йўллан-
малари асосида юборилади. Бу эса ушбу
хасталик билан туғилишнинг олдини
олади.

Жорий йил 1 июлдан спинал мушак
атрофияси клиник диагнозига эга оила-
ларнинг Ягона миллий регистри юритила-
ди ва оилаларнинг клиник ҳамда моле-
куляр-генетик диагностикасидан келиб
чиқиб, шакллантириб борилади.

Шунингдек, 2023 йил 1 июлдан
никоҳланувчи шахслар ўз ҳисобидан Ре-
спублика аҳоли репродуктив саломатлик
маркази ҳамда унинг ҳудудий марказла-

рида ихтисослаштирилган гематология
илмий-амалий тиббиёт марказининг лабо-
раториясида молекуляр-генетик тестдан
ўтказилади.

Спинал мушак атрофиясининг ген
ташувчилиги тасдиқланган никоҳланувчи
шахсларнинг маълумотлари Ягона миллий
регистрга киришиб борилади.


Шунингдек, ушбу тахсис билан
рўйхатда турган оилаларга тиббий-ижти-
моий ёрдам кўрсатилиши бўйича тегишли
норматив ҳужжатлар қабул қилиниши
айтилган.

Афсуски, ушбу касалликнинг тўлиқ
давоси йўқ, барча муолажалар бемор
ҳолатини энгиллаштиришга қаратилган.
Унинг олдини олишда эрта турмуш қуриш
ва қариндошлик никоҳларини камайти-
риш лозим. Яқин қариндошлар ўртасида
никоҳда патологик генларнинг учрашиш
эҳтимоли юқори эканлиги фанда исбот-
ланган.

Гўлжаҳон ЎТАГАНОВА,
Самарқанд давлат тиббиёт
университети неврология
кафедраси доценти,
тиббиёт фанлари номзоди.

САЙЁҲЛАР УЧУН ЧЕГИРМАЛАР БОР

Вилоят туризм ва
маданий мерос бош
бошқармаси ҳамда
Касаба уюшмалари фе-
дерацияси вилоят бў-
лими ташаббуси билан
вилоятдаги туристик
фирмалар томонидан
25 апрелдан 5 майгача
“Рамазон” номли имти-
ёзли туристик пакет
эълон қилинди.



– Мақсадимиз Рамазон ҳайити муноса-
бати билан эълон қилинган дам олиш кун-
ларида юртдошларимиз ва хорижий сай-
ёҳларни Самарқандга кўпроқ жалб қилиш,
уларнинг мароқли ҳордиқ чиқаришлари
учун кенг имконият яратишдан иборат,
– дейди вилоят ҳокимининг ўринбосари –
туризм ва маданий мерос бош бошқармаси
бошлиғи Рустам Қобилов. – Мазкур лойи-
ҳа доирасида Самарқанддаги муқаддас
қадамжолар ва зиёратгоҳларга саёҳатлар
уюштирилади ва мажмуаларга киришда 20

фоизгача чегирма берилади. Рўза кунла-
рида ифторлик тадбирлари уюштирилади.
Меҳмонхоналар, транспорт воситалари ва
овқатланиш шохобчаларида ҳам имтиёз-
лар мавжуд. Бундан ташқари, бир қатор
маданий дастурлар, кўнгилочар тадбирлар
ўтказилади.

Маҳаллий ва хорижий сайёҳлар 1 май
куни Самарқанд шаҳрида ўтказиладиган
“Фавворалар сайли”да ҳамда Рамазон ҳайи-
ти тадбирларида иштирок этишлари учун
имконият яратилади.



ИНДАЛЛОСИНИ АЙТГАНДА

Оқил САЛИМОВ, академик:

– Қуръони каримнинг бир жойида “Биз сизни ҳар
хил қилиб яратдик”, дейилади. Буюк Яратувчи нима
учун айнан инсонни ҳар хил қилиб яратди? Нима
учун бир хил қилиб яратмади? Чунки агар бир хил
қилиб яратганида Ер юзидаги миллиардлаб одам-
лар бир хил қийинган, бир нарсани ўйлайдиган,
бир томонга қараб юрадиган ҳолатда бўларди. Унда
ҳаётнинг мазмуни қолмас эди. Тараққиёт кузатил-
масди. Орзуларнинг хилма-хиллиги, мақсадлар-
нинг турфалиги одамларнинг турли соҳалардаги
интилишларида асос бўлади.

30 АПРЕЛДА УМУМХАЛҚ ХАЙРИЯ ҲАШАРИ

Бу Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 26 апрелдаги фармойишида белгиланди.

“Маҳалла ободлиги – юрт фаровонлиги” шиори остида ўтказиладиган умумхалқ хайрия
ҳашарида маҳаллалар, аҳоли тураржойлари, гузарлар, хиёбонлар, зиёратгоҳлар, мўътабар
масканлар, болалар майдончалари тартибга келтирилади. Ободонлаштириш, кўкаламзор-
лаштириш ишлари олиб борилади.

Ҳашар давомидида ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламлари, эҳтиёжманд, кўмакка
муҳтож, боқувчисини йўқотганлар, кекса ва ногиронлиги бўлган фуқароларнинг уй-жойла-
рини яхшилаш ва моддий ёрдам кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилади.



Тойлоқ туманида “Темир дафтар” ва “Ёшлар дафтари”га киритилган
меҳнатга лаёқатли 45 нафар ишсиз фуқарога субсидия асосида 4 турдаги
меҳнат қуроллари берилди.

Каттақўрғон шаҳар ҳокимлиги, халқ депутатлари шаҳар Кенгаши вакилла-
ри ҳамда ҳарбийлардан иборат тарғибот гуруҳи аҳоли хонадонларида бўлиб,
кам таъминланган оилаларга озиқ-овқат маҳсулотлари кўринишидаги хайрия
ёрдамини тарқатишди.

Жомбой тумани Қорамўйин маҳалласида аҳолига сифатли ва замонавий
хизмат кўрсатиш учун барча шароитларга эга энгил конструкцияли тиббиёт
пункти иш бошлади.

Оқдарё тумани ҳокими қабулида бандлик масаласида мурожаат қилган 12
нафар ёшга тикув машиналари берилди.

Нарпай туманидаги Гулистон ва Бўстон маҳаллаларида “Темир дафтар”га
киритилган 10 та оилалар 3-сектор масъуллари томонидан ун ва бошқа турдаги
озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди.

Каттақўрғон туманидаги 2-умумий ўрта таълим мактабида ўтказилган ки-
тоб ярмаркасида фаол ота-оналар мактаб кутубхонасига 600 дан ортиқ китоб
совға қилди.

Нуробод тумани марказидан олисда жойлашган 12 та аҳоли пунктида 14
та тиббиёт пункти ташкил этилди.

АХБОРОТ ХИЗМАТЛАРИНИНГ ЁЗИШИЧА

ЕР САВДОСИ “ПИШМАДИ”



Давлат хавфсизлик хиз-
мати вилоят бошқармаси
ҳамда ИИБ ходимлари ҳам-
корлигида ўтказилган навбатдаги тезкор тадбирда ноқонуний ер сотиш билан шугулла-
нувчи шахс қўлга олинди.

Самарқанд шаҳрида яшовчи, 1975 йилда туғилган К.З. маҳаллий фуқарога Паст
Дарғом тумани ҳудудидида жойлашган фермер хўжалигига тегишли 6 гектар ер майдо-
нини 170 минг АҚШ доллари эвазига мансабдор танишлари орқали расмийлаштириб
беришни ваъда қилиб, келишилган пулнинг 20 минг АҚШ долларини олган вақтида
ашёвий далиллар билан ушланган.

Битирувчилар имтиҳон топширади



Давлат тест маркази томонидан бериладиган
умумтаълим фанини билиш даражаси тўғрисида
давлат сертификатига ҳамда чет тили фани бўй-
ича B1 ва ундан юқори (B2, C1, C2) даражадаги
миллий ёки унга тенглаштирилган мос даражада-
ги халқаро тан олинган сертификатга эга ўқувчи-
лар якуний давлат имтиҳонидан тегишли фандан
ҳамда чет тили фанидан мактаб педагогика
кенгашининг қарори асосида овоз қилинади.

9 ва 11-синфда якуний назорат имтиҳонла-
рида танлов фанлари ҳар бир ўқувчининг ихти-
ёрий танловига кўра, якуний давлат имтиҳони
ўтказилишидан бир ой олдин ўқувчининг ариза-
сига асосан танланади.

Шунингдек, байрам муносабати билан
қўшимча дам олиш кунларини инобатга олган
ҳолда умумий ўрта таълим муассасаларининг
9-синф ўқувчилари учун жисмоний тарбия
фанидан якуний назорат имтиҳонлари жорий
йилнинг 2-7 май саналаридан 11-14 май кунла-
рига қўчирилади.

Жорий ўқув йили якунида 5, 6, 7, 8 ҳамда
10-синфларнинг босқичли имтиҳонлари ўтка-
зилмади.

Ихтисослаштирилган давлат умумтаълим
муассасалари ва мактаб-интернатларида эса
босқичли имтиҳонлар уларнинг ички низомла-
рига мувофиқ ихтисослашув фанлари доираси-
да ташкил этилади.

2021 йил 13 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бюджет жараёнида фуқароларнинг иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори имзоланганди. Қарор билан туман (шаҳар)лар бюджетлари тасдиқланган харажатларининг 5 фоизи жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилиши белгиланган.

Ташаббусли бюджет доирасида

209 та таклифга 114,7 миллиард сўм йўналтирилади

Мазкур масалада энг кам миқдор 30 фоизга оширилди. Ва, жорий йилдан бошлаб “Ташаббусли бюджет” лойиҳаси йилда икки марта ўтказилиши белгиланди.

Лойиҳанинг жорий йилги биринчи мавсуми февраль ойидан 2 апрелга қадар ўтказилди. Вилоят молия бошқармасидан олинган маълумотга кўра, мазкур босқичда келиб тушган 3661 та таклиф ҳудудий ишчи комиссиялар томонидан кўриб чиқилиб, 1732 таси овоз бериш жараёнига қўйилди. Жараёнда жами 356264 нафар фуқаро иштирок этиб, ўзлари қўллаб-қувватлаган таклифга овоз берди.

Яқунда 209 та таклиф ғолиб деб топилди ва ушбу тадбирлар учун жами 114,7 миллиард сўм маблағ йўналтирилиши кўзда тутилган. Хусусан, - ички йўлларни таъмирлашга оид 70 та; - умумтаълим мактабларини таъмирлаш бўйича 53 та;

- мактабгача таълим муассасаларини таъмирлашга тегишли 33 та; - маҳалла фуқаролар йиғинлари биноларини таъмирлаш бўйича 14 та;

- соғлиқни сақлаш муассасаларини таъмирлашга доир 11 та таклиф маъқулланди.

Ушбу ғолиб таклифларни молиялаштириш бўйича ҳудудий ишчи комиссиялар томонидан манзилли дастурлар ишлаб чиқилган.

Кайд этилишича, ғолиб деб топилган ҳар бир таклиф бўйича жорий ойнинг ўзидан ишлар амалга оширила бошланади. Пудратчи ташкилотларни аниқлаш ва лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш ишларига киришилади. Яъни, иккинчи мавсумга қадар ғолиб бўлган ташаббуслар бўйича асосий ишларга старт берилади. Июль ойида лойиҳанинг иккинчи мавсуми ўтказилади. Ё.МАРҚАЕВ.

Гендер тенглик таъминланади

Аввало, гендер-ҳуқуқий экспертиза нима эканлигини билиб олайлик. Бу норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда улар лойиҳаларининг хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатларини таъминлаш принципларига мувофиқлиги юзасидан таҳлил қилиш, дегани.

Адлия органлари қонун ҳужжатлари лойиҳалари ҳуқуқий экспертизаси доирасида гендер тенглик принципларига мувофиқлиги ва жинс бўйича бевосита ёки бевосита камситиш ҳолатлари вуҷудга келишига шарт-шароитлар яратадиган қоидалар ва нормаларни аниқлаш юзасидан ҳамда белгиланган талабларга мувофиқ гендер-ҳуқуқий экспертизадан ўтказади.

Мазкур зарурат шу жиҳати билан асослики, гендер-ҳуқуқий экспертизадан ўтказишда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг гендер тенгликка эришиш соҳасидаги давлат сиёсатига мослиги ҳамда мамлакатдаги жорий гендер ҳолат, лойиҳа қоидаларининг хотин-қизлар ва эркекларнинг турли ижтимоий-иқтисодий ҳолати ва ролига таъсирига

эътибор қаратилади.

Жамиятда инсонларнинг ўз ўрнини топиши учун давлат томонидан уларга бир хил шароит ва тенг имконият яратиб берилиши гендер тенгликни таъминлашда асос бўлиб хизмат қилади.

Бу амалиёт кўпгина хориж давлатларида бор. Масалан, Испанияда 2007 йилда “Аёллар ва эркеклар тенг ҳуқуқчилиги тўғрисида”ги қонун қабул қилинган бўлиб, Испания ҳукумати ҳузурида гендер тенгликни таъминловчи комиссия ташкил этилган. Мамлакатда гендер тенгликни таъминлашга оид стратегик режаларни қабул қилиш, аёллар ва эркекларга давлат секторидagi лавозимларда ишлашга, сиёсий ҳаётда иштирок этишга бўлган ҳуқуқини таъминлашга қаратилган давлат сиёсати амалга оширилади. Шунингдек, қонун ҳужжатларининг гендер тенгликка таъсири ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиб, баҳоланади.

Темур ШУКУРОВ, вилоят адлия бошқармаси бўлим етакчи маслаҳатчиси.

Кимларга гаровсиз кредит берилади?

“Темир дафтар” ва “Аёллар дафтари”га киритилган оилаларнинг фарзандлари ҳамда “Ёшлар дафтари”га киритилган янги турмуш қурган ёшларнинг яқка тартибдаги хонадонида қўшимча уй-жой қуриш учун гаровсиз кредит ажратиш тартиби тўғрисидаги низомга асосан кредитлар ёшларнинг алоҳида тоифаларига гаровсиз асосда ажратилади.

Бунда тегишлича “Саховат ва кўмак”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари”, “Темир дафтар” жамғармалари кафилиги тақдим этилади.

Кафилик берилганлиги учун тўлов (муқофот пули) ўндирилмайди. Кредит бозор ставкасида миқоз хоҳишга кўра, 6 ой имтиёзли давр билан 20 йилдан кўп бўлмаган муддатга; - бошланғич бадали яқка тартибдаги хонадонда қўшимча қурилаётган уй-жой қийматининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда; - бир қарз олувчига 33 миллион сўмдан ошмайдиган миқдорда берилади.

Марказий банк вилоят бош бошқармаси ахборот хизмати.

Талабаларга суд-тиббий экспертизаси ўргатилади

Тиббиёт олий ўқув юртларининг барча йўналишларида суд тиббиёти фани ўқитилади. Негаки, амалдаги процессуал қонунчилик талабларига кўра, ҳар бир врач танланган мутахассислиги ва бажараётган ишидан қатъи назар, зарур бўлган ҳолларда кечиктириб бўлмайдиган суд-тергов тадбирларига, масалан, ҳодиса рўй берган жойни (мурдани) кўздан кечириш жараёнида мутахассис сифатида жалб этилади. Тиббий ходимлар касб ҳуқуқбузарликлари ҳолатларига доир комиссия экспертизаларда врач-эксперт сифатида иштирок этади.

Суд-тиббий экспертиза жиноят иши очилганидан кейин ўтказиладими?

Суд-тиббий экспертизанинг тайинланиши, унинг заруриятини суриштирув-тергов ишини олиб бораётган ходимнинг ўзи аниқлайди. Бироқ процессуал қонунчиликда қатор ҳолатлар суд-тиббий экспертиза тайинлашнинг шартлигини кўрсатади. Булар ўлим сабабини, жараҳат тури ва даражасини, жинсий қўшилиш, ҳомиладорлик ва ҳомила сунъий узилиши белгиларини, ҳужжат бўлмаганда ёки гумон бўлганда, шахс ёшини, жабрланган, гумондор, айбдор ва гувоҳнинг соғломлик ҳолатини, тери-таносил, юқумли касалликлар ва сурункали альяголизи, наркомания ҳолатларида шахснинг даволанишга муҳтожлигини аниқлаш ҳолатлариридир. Амалиётда, суд-тергов органларининг суд-тиббий экспертиза имкониятидан фойдаланиш ҳолатлари жуда ҳам кенг қамраб ва хилма-хиллигига гувоҳ бўламли.

Биздаги эксперт ходимлар хорижий малакали мутахассислар билан тенглаша оладими?

Суд-тиббий экспертизаларни ўтказиш ва шу орқали суд тиббиёти фанининг шаклланиши минтақаларнинг ўзига хос жиҳатлари ва эволюцион тизим талабларидан келиб чиққан. Тарихий маълумотларда олдинроқ Хитойда, XVII аср бошларидан Фарбий Европада суд тиббиёти тиббиёт фанларидан алоҳида ажралиб чиққанлиги қайд этилган. Қаерда инсонлар ҳаёти ва соғлиғи билан боғлиқ хатти-ҳаракатларда, судларда шифокорлар нарч маслаҳатига муҳтожлик сезилган бўлса, ўша жойда суд тиббиёти фани масалалари яхши шаклланган. Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистонда 1918 йилда Миллий университет очилиб, тиббиёт факультетида 1922 йилдан талабаларга суд тиббиёти фани ўқити-ла бошлаган. Самарқандда эса бу фан 1934 йилдан бошлаб ўқитилган. Интернет тизимининг пайдо бў-

лиши, маълумот олишнинг кенгайи-ши бизга исталган маълумотни олиб қўллаш имконини берди. Шунинг учун қайси мамлакатда ушбу соҳада уюқлар бўлса, ундан хабардоримиз. Бундан ташқари, кафедрамиз ўқи-тувчилари ҳам ривожланган хорижий мамлакатларда бўлиб, малака ошириб келди. Мутахассисларимиз хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиб, тажриба орттириб келяпти. Ўзбеки-стонда суд тиббиёти хизмати ҳеч бир ривожланган мамлакатлардан қолиш-майди. 2010 йилда “Суд-тиббий экс-пертиза” номли қонун қабул қилинган бўлса, 2018 йилдан суд-тиббий экс-пертиза хизмати илмий-амалий марказга айланди. Бундай қонун ва илмий мар-казлар қўллаб давлатларда йўқ.

Хорижлик олимлар талабаларимиз-га масофадан ва ўзлари келиб дарс ўтйпти. Ўзим ҳам Россия, Беларусь, Тожикистон давлатлари олий таълим муассасалари талабаларига масофадан маъруза ўқийман. Самарқанд дав-лат тиббиёт университети ва вилоят суд-тиббий экспертиза моддий-техник базаларининг тобора яхшиланиши ва кенгайиши соҳамизга тегишли вази-фаларни сифатли бажариш имкониятини яратади.

Фуқаролар тўғридан-тўғри суд-тиббий экспертизага мурожаат эта оладими?

Суд тиббий экспертизанинг айрим фаолияти бўйича пуллик хизмат тур-лари ҳам бор. Фуқаролар ўзлари ариза ёзиб, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтиб, фуқаролик ишларига тегишли ҳолатларни аниқлаши мумкин. Аммо ҳар қандай жиноят ишлари юзасидан ҳақрат суд, тергов органлари ёзма топ-шириғи асосида суд-тиббий эксперти-залар ўтказилади.

Сайит ИНДИАМИНОВ, Самарқанд давлат тиббиёт университети суд тиббиёти кафедраси мудир, тиббиёт фанлари доктори, профессор.



Қўшрабортлик тарғиботчи республика танловида қатнашади

“Ижодий-маданий масалалар бўйича энг фаол тарғиботчи” танло-вининг вилоят босқичи ўтказилди.

Республика Маънавият ва маърифат маркази, Халқ таълими вазирилиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Журналист-лари ижодий уюшмаси ҳамкорлигида ўтказилаётган танловда қуйи босқичда ғолиб бўлган умумий ўрта таълим мактабларидаги 26 на-фар ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчи иштирок этди.

Қўшраборт туманидаги 50-умумий ўрта таълим мактаби тарғибот-чиси Абдуваҳоб Зарипов энг юқори балл тўплаб, танловнинг респуб-лика босқичига йўлланмани қўлга киритди.

Хусан ЭЛТОЕВ.

ТЕСТ СИНОВЛАРИГА “MULTI-LEVEL” ТАТБИҚ ҚИЛИНДИ

2022 йил 1 мартга қадар чет тилини билиш даражасини аниқлаш тест синовлари Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 31 декабрдаги қарори билан тасдиқланган “Чет тилини билиш даражасини аниқлаш ва малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги низом талаблари асосида ўтказилиб келинар эди.

Тест синовларида иштирок хоҳлаган талабдор (ўқувчи, ўқитувчи ва ҳоказо) аввал <https://my.dtm.uz/> сайтида ўзига шахсий каби-нет очиб, рўйхатдан ўтиши, тўлов пулини тўлаб, белгиланган вақтда Давлат тест маркази ва унинг вилоятлардаги бўлиmlарига шахсни тасдиқловчи ҳужжатлари билан бориб, тест синовларида қатна-шар эди.

Эндиликда рўйхатдан ўтиш тартиби ўзгарди. Тартиб ўзгаришига сабаб, 2022 йил 16 февраль куни Вазирлар Маҳкамасининг “Чет тилини билиш даражасини аниқлаш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Унга кўра, 2022 йил 1 мартдан бошлаб чет тилини билиш даражасини аниқлаш, малака серти-фикати ёки маълумотнома олиш учун тест синови-да қатнашиш бўйича мурожаатларни қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда - ЯИДХП) орқали электрон тарзда амалга оширилмоқда.

Яъни, талабгорлар <https://id.egov.uz> тизими-да рўйхатдан ўтиши лозим.

Ягона интерактив давлат хизматлари порта-лидан (ЯИДХП - my.gov.uz сайти) фойдаланиш учун аввал <https://id.egov.uz> - Ягона иденти-фика-ция тизимидан (Битта қайда ёзуви орқали электрон ҳукуматнинг барча тизимларига кириш учун рухсат олиш) рўйхатдан ўтишлари керак.



ТЕСТ СИНОВИ УЧУН ОНЛАЙН АРИЗА БЕРИШ

Чет тили имтиҳонларига онлайн ариза бериш хизмати <https://my.gov.uz> сайтнинг “Таълим” бўлимида жойлашган. “Таълим” бўлимидан “Чет тилини билиш даражасини аниқлаш” хизматини танлаш керак.

Бунда фойдаланувчига хизмат кўрсатишнинг ҳуқуқий асоси, хизмат нархи, боғланиш маълумот-лари каби мазкур хизмат билан боғлиқ энг керакли маълумотлар тақдим этилади.

Рўйхатдан ўтишни бошлаш учун “Хизматдан

Ноқонуний қурилишлар қачон барҳам топади?

Телеграм каналимизда “Самарқанд шахрида ноқонуний қурилиш-лар барҳам топдими?” деган савол билан сўровнома ўтказилган эди.

2031 киши овоз берган сўровномада иштирокчилар-нинг 5 фоизи бугунги кунда Самарқанд шахридаги ноқону-ний қурилишлар тўлиқ тугаган, деб жавоб берган. 19 фоиз респондент “бор, лекин кескин камайган” деган бўлса, уларнинг 31 фоизи “Ноқонуний қурилишлар ҳали кўп”, деган жавобни белгиланган.

Бироқ минг нафарга яқин, яъни 45 фоиз сўралганларнинг фикри бошқа-ларникидан фарқ қилади. Улар “Бундай қурилишлар тугамайди” деган жавобда тўхталган.

Сўров юзасидан канал ўқувчилари қолдирган шарҳларни ўқисангиз, Са-марқанд шахридан ташқари Паст Дарғом, Ургут, Нарпай, Жомбой туманларида ҳам ноқонуний қурилишлар давом этаётгани-ни кўришингиз мумкин.

Вилоят қурилиш бош бошқармаси-дан олинган маълумотларга қараганда, бугунги кунда вилоятимизда шахарсозлик қоидаларига зид бўлган 746 та ноқону-ний қурилиш бор. Биргина Самарқанд шахрида 167 та турли бино ва иморат ўзбошимчалик билан тикланмоқда. Шаҳар архитектура ва қурилиш бўлими томони-дан 101 та, ер тузиш ва кадастр бўлими мутахассислари томонидан 66 та ноқону-ний уй-жой аниқланган. Шаҳар ҳокимлиги қошида ташкил этилган ишчи комиссия томонидан йилнинг биринчи чорагига 158 та ноқонуний қурилиш учун турли чоралар қўрилган, 14 та ҳуқуқбузарлик жойида бартараф этилган.

Вилоятимизда шахарсозлик анъа-наларига зид, ноқонуний қурилаётган қурилишлар бор, - дейди вилоят қурилиш бош бошқармаси бошлиғи Лазиз Ҳамидов. - Жумладан, мутахассисларимиз томони-дан Самарқанд туманида 150 та, Ургутда 80 та, Нурабодда 73 та, Паст Дарғомда 48 та турли бино ва иншоотлар аниқланди. Ҳозирда ҳудудий комиссиялар томонидан вилоят бўйича 385 та ноқонуний қурилиш эгаларига огоҳлантириш хатлари бери-либ, чора кўриш учун ҳуқуқни муҳофа-за қилиш органларига тақдимномалар киритилди. 94 та объектдаги камчиликлар жойида бартараф этилди.

Самарқанд шахар ҳокимининг 2015 йил 26 февралдаги қарори асосида Руда-кий ва Орзу кўчаларидаги фуқароларга тегишли турар ва нотураржой биноларини қонунда белгиланган тартибда кўчириш шарти билан рухсат берилган. Бироқ кейинчалик шахар ҳокими қарорига қўшимчалар киритилган ҳолда тураржой бинони қурилиш давом эттирилмоқда. Бугунги кунда мазкур қурилиш ишларида бир қатор камчилик ва нуқсонлар борли-ги, қурувчилар томонидан ишлар сифат-сиз олиб борилаётганлиги сабабли, ушбу



бинодан уй сотиб олган фуқаролар ўз норозиликларини билдирмоқда.

Шаҳар ҳокимининг қарори билан фуқаро Г.Раҳматуллаевага тегишли, Маҳ-муд Қошғарий кўчаси 29-уй биноларини меҳмонхона сифатида қайта қуришга рухсат берилган. Бироқ қурилиш ишлари лойиҳа ҳужжатларидан четга чиққанлиги, шахарсозлик талаблари бузилган ҳолда қурилиш-монтаж ишлари олиб борилаёт-ганлиги аниқланди.

Нарпай кўчасида 113, 115 ва 119-ман-зилларда жойлашган фуқароларга тегишли бино ва иншоотлар ўрнидан “Сельхозтехника” МЧЖ томонидан кўп қаватли тураржой биноси қурилишига рухсат берилган, бироқ қурилиш ишлари тугалланмасдан ҳамда ўрнатилган тар-тибда фойдаланишга қабул қилинмасдан фуқаролар кўчиб ўтиб яшамоқда.

Ноқонуний қурилишлар бўйича вилоят қурилиш бош бошқармаси ҳамда Са-марқанд шахар қурилиш бўлими томони-дан огоҳлантириш хатлари берилиб, чора кўриш бўйича шахар ҳокимлиги ер комис-сиясига тақдимномалар киритилмоқда.

Шаҳарсозлик талаблари ва қурилиш меъёрлари бажарилиши ҳамда сифат даражасини таъминлаш мақсадида “Шаф-роф қурилиш” миллий ахборот тизимида 2284 та қурилиш объектлари киритилди. Ушбу объектларга бриктирилган бюрт-мачи, лойиҳачи ва қурилиш назорати инспекциясининг инспекторлари план-шетлар орқали GPSларга уланган. Мониторинглар ушбу тизим доирасида онлайн режимда амалга оширилмоқда. Бу эса ўз навбатида, текшириш жараёнлари-нинг шафдофлигини таъминлашга ҳамда тизимда коррупция ҳолатларининг олдини олишга хизмат қилмоқда.

Назаримизда, қўрилаётган чора-тад-бирлар қуттилган самаран бермаяпти. Маҳаллаларда ҳамон ноқонуний тарзда кўп қаватли уйлар қурилиши давом этмоқда.

Савол туғилади - бу қурилишларга ким рухсат берапти? Лойиҳаларни қайси таш-килот тасдиқлаяпти? Ҳеч қандай рухсатсиз, ноқонуний қурилиш амалга оширилаётган бўлса, бунга маҳалла раиси, профилакти-ка инспекторлари билмайдими? Қурилиш назорат инспекциясининг онлайн мони-торинглари-чи? Бу қачон ўз самарасини беради?

Бу каби саволларга вилоятдаги қури-лишга масъул ташкилотлар ва мутасадди-лар нима деб жавоб беришади? Кутамиз.

Дилмурод ТЎХТАЕВ.

фойдаланиш” тугмаси босилади.

Талабгорлар тест синови вақти ва жойи тўғри-сида my.gov.uz сайти орқали тест синови ўтказили-шидан 3 кун олдин хабардор қилинади.

Қарорда чет тилини билиш даражасини баҳо-лашнинг кўп даражали (Multi-level) формати 2022 йил 1 мартдан бошлаб - инглиз тили учун, 2022 йил 1 ноябрдан бошлаб - немис, француз ва араб тиллари учун жорий этилиши белгиланган.

Шу жойда, асосий ангиллик кўп даражали (Multi-level) форматидир. Бу қандай формат, деган савол туғилиши табиий.

Multi-level форматли тест тизими хорижий мам-лакатларда кенг қўллаб келинади. Ўзбекистонда Давлат тест маркази томонидан ўтказиладиган тест синовларида илк бор жорий этилмоқда. Бунда, та-лабгор бир марта имтиҳонларда иштирок этиб, на-тижаларига кўра, қайси даражага мослиги аниқла-нади ва тегишли даража сертификати берилади.

Кўп даражали тест синови “тинглаб тушуниш”, “ўқиш”, “ёзма иш”, “гапирш” бўлиmlаридан иборат. Малака сертификати ёки маълумотнома малака имтиҳони якунлари бўйича энг юқори баллнинг қамда 60 фоизини тўллаганда ёки кўп даражали тест синовлари якунлари натижаларини белгилов-чи ҳақвал асосидаги баллар бўйича берилади.

“Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимида рўйхатга олинган шахсларга, шунинг-дек, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар-га мазкур давлат хизматини кўрсатишда белги-ланган тўловнинг 50 фоизи миқдорида чегирма қўлланилади.

Самариддин СУЮНОВ, Давлат тест маркази вилоят бўлими етакчи мутахассиси.

Юртимизда илм-фанни ривожлантиришнинг ўзига хос йўли танлаб олинган. Яъни, йил давомида маълум бир фанларга алоҳида эътибор қаратилади. Жорий йилда физика ва чет тиллари ана шундай устувор фанлар эътиб белгиланган. Сиёсатимиздаги очиқлик, дунё бозорига дадил кириб бораётганимиз ҳамда барча соҳалардаги халқаро ҳамкорлик хорижий тилларни билиш эҳтиёжини оширмоқда.

Халқаро анжуманда

хорижий тилларни ўрганиш муҳокама қилинади

Президентимизнинг 2021 йил 19 майдаги “Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни омалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, хорижий тилларни ўрганишни омалаштириш юзасидан кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Жорий йилнинг 5-6 май кунлари Самарқанд давлат чет тиллар инситутида ўтказиладиган “Инсоният руҳий маданияти олами: тил, адабиёт, санъат” мавзусида халқаро илмий-амалий анжуман ҳам ушбу доирада ташкил этилмоқда.

Инглиз тили факультетининг инглиз тили ва адабиёти кафедраси томонидан уюштирилаётган анжуманда узлуксиз таълим тизимида чет тилларни ўқи-тишдаги муаммо ва ечимлар, замонавий ёндашувлар, инглиз тили бўйича

ўқув дастурлари ва материалларини яратиш, билим ва кўникмаларни баҳолаш, фанларни чет тилида ўқитишнинг замонавий усуллари, хорижий тажриба ва замонавий тенденциялар каби долзарб масалалар муҳокама қилинади. Мақтабларда чет тилини ўқитиш ҳолати таҳлил этилади, ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш юзасидан ўзаро фикр алмашилади, тажрибали мутахассисларнинг тақлиф ва тавсиялари илгари сурилади.

Тадбирдан кўзланган мақсад олий таълим соҳасида хорижий тилларни ўқи-тиш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда уни кенг тарғиб қилишдан иборат. Узлуксиз таълим тизимида чет тилини ўқитишнинг лингвистик, прагматик, дидактик ва яна бир қанча самарали йўналишлари кўриб чиқилади. Шунингдек, амалий тадқиқотларнинг долзарб масалалари ҳамда уларни илмий ва

таълим муҳитида жорий қилиш муҳокама марказида бўлади.

Анжуманда Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликлари тизимидаги муассасаларнинг издан зиёд малакали чет тили фани ўқитувчилари, илмий тадқиқотчилар, шунингдек, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Ҳиндистон, Туркия, Испания давлатлари, юртимизда фаолият олиб бораётган халқаро ташкилотлар ҳамда хорижий университетлар вакиллари иштирок этиши кутилмоқда.

Умумий ялпи йиғилиш, шуъбалар йиғилиши ва кичик гуруҳларда бўлиб ўтadigan халқаро конференция иштирокчиларига сертификатлар топширилади.

Н.АМРИДДИНОВА,
Самарқанд давлат чет тиллар
институтини инглиз тили ва адабиёти
кафедраси мудири.

Президентимизнинг 2017 йил 12 январдаги “Ургут”, “Ғиждувон”, “Қўқон” ва “Ҳазо-расп” эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисида”ги фармонида асосан “Ургут” ЭИЗ ташкил этилган-ди. Ҳозирги кунда иқтисодий зонадаги 63 та корхонада йилнинг биринчи чорагида 882 миллиард сўмлик махсулот ишлаб чиқарилиб, 20,1 миллион долларлик товар экспорт қилинди.

Мавжуд иқтисодиётлардан самарали фойдаланиш ва натижалар салмоғини ошириб, бошқа туманларда ҳам саноатни ривожлантириш мумкин. Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 4 ноябрдаги “Ургут” эркин иқтисодий зонаси фаолиятини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида вилоятнинг 14 та туман (шаҳар)ларида 559,8 гектар ва Сўрхондарё вилоятининг Денов туманидан 21 гектар, жами 19 та массивда

580,8 гектар ер майдонида “Ургут” эркин иқтисодий зонаси (ЭИЗ) филиаллари ташкил этилди. Иқтисодий зонанинг янги филиалларини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари сифатида тўқимачилик (енгил саноат), электротехника, чарм-поябзал ҳамда минерал хомашёни чуқур қайта ишлашга асосланган инновацион лойиҳаларни амалга ошириш белгиланди. Бундан ташқари, ташаббускорлар саноат кооперацияси асосида технологик линиялар учун

“Ургут” эркин иқтисодий зонаси маъмурияти тадбиркорларни вилоятимизнинг барча туманларида ташкил этилаётган филиалларида тўқимачилик (енгил саноат), электротехника, чарм-поябзал ва минерал хомашёни чуқур қайта ишлаш соҳалари ёки экспортбоп юқори сифатли бошқа саноат махсулотлари ишлаб чиқаришга асосланган инновацион лойиҳаларни амалга оширишда ҳамкорликка қорлайди!

Юқоридаги талабларга жавоб берадиган лойиҳа тақлифларингизни кўтиб қолимиз!

Мурожаат учун “Ургут” эркин иқтисодий зонаси дирекцияси ёки ушбу телефон рақамларида боғланишингиз мумкин:

“Ургут” ЭИЗ дирекцияси:
+99866 483-11-07.
Инвесторлар билан
ишлаш бўлими:
+99897 408-75-78.

ЖАНГДА ЖАСУР, МЕҲНАТДА МОҲИР ИНСОН ЭДИ

Халқимизда “ўлмас сиймо” деган ажойиб бир нақл бор. Одамлар ардоқли кишиларни шундай деб атайди ва бу билан уларга меҳри, ҳурмати, ифтихорини изҳор этади. Элнинг меҳрини қозонган ана шундай инсонлардан бири Қурбон Ражабов эди.

Қ.Ражабов 1922 йилнинг 1 майида Пахтачи туманининг Ҳайит Элбеги қишлоғида туғилган. Қишлоқ мактабда ўқиб, тўлиқсиз ўрта маълумот олган, 1940 йилда Самарқанддаги агрономлар тайёрлаш мактабига ўқишга кирди. Лекин мактабни тугата олмади. 1941 йилда кўнгиллилар қатори урушга отланди. Жангларда кўрсатган жасорати учун III даражали “Шуҳрат”, “Қизил Юлдуз” орденлари, бир нечта медаллар билан мукофотланди.

1945 йилда Ватанига қайтиб, ўзи туғилиб ўсган хўжаликда чорвачилик бўйича раис ўринбосари бўлиб ишлади. Орадан икки йил ўтиб туман қишлоқ хўжалиги бўлимида агроном, партия комитети бўлим мудири, котиби вазифаларида меҳнат қилди.

Уруш қаҳрамони 1952 йилда собиқ Сталин номи колхозга раис этиб тайинланган. Бу хўжаликка ўн йил



раҳбарлик қилган, 1962 йилда Киров номи колхоз раҳбарлигига тайинланди. Ушбу хўжаликни 22 йил бошқариб, кўркам Сулув посёлкаси барпо этилишида жонбозлик кўрсатди. Унинг ташаббуси билан ўнлаб уйлар, ҳаммом, маиший хизмат кўрсатиш иншоотлари, машина-трактор парки, янги мактаб, болалар боғчаси қурилди. Аҳоли хонадонлари табиий газ ва ичимлик суви билан таъминланди. Хўжалиkning иқтисодий кўрсаткичлари яхшила-ниб, вилоят, ҳатто республикада донг таратди. Унинг бевосита раҳбарлигида Қир гули массиви ташкил этилди. Бугун мазкур ҳудудда 200 дан зиёд оила истиқомат қилмоқда.

– Ўтган асрнинг 80-йилларида боғдорчилик бригадаси бошлиғи

УСТОЗНИ ЁД ЭТИБ

Ҳаётда шундай педагоглар бўлади-ки, умрини фақат эзгу ишларга, ёшларни тарбиялаш ва билим беришга бағишлайди. Мана шундай инсонлардан бири халқ таълими аълочили Юсуф Махмайсеевдир.

Ю.Махмайсеев 1951 йилнинг 8 майида Ургут тумани Мулла қишлоғида дунёга келди. Отаси Махмайс Холиқов боғдорчилик ва чорвачилик билан шуғулланар, онаси Тожихол ая уй бекаси эди. Юсуф 5 ёшга тўлганида онасидан ажралди, укаси ва синглиси билан отасининг қарамоғида қолди. Унинг болалиги оғир меҳнатда ўтди, кун бўйи уй юмушлари билан шуғулланса-да, қўлидан китоб тушмади. Мактабда физика, математика, кимё, биология фанларини яхши кўрар, бир ўқиган матнни хотирасида сақлаб қоларди.

Юсуф мактабни битиргач, шифокор бўлиш орзусида Самарқанд давлат тиббиёт институтига ҳужжат топширди, аммо ўқишга қиролмади. Ўз аризасига кўра муддатидан олдин харбий хизматни ўташга кетди. Сўнгра Самарқанд давлат университетининг биология факультетига ўқишга кирди. Моддий томондан қийналиб қолгани учун ўқийшини кечки бўлимга ўтказди ва ўзига муносиб иш топиб ишлади.

1980 йилда университетни аъло баҳолар билан битирган Юсуф Ургут шаҳридаги 54-ўрта мактабга ишга келди. Ўқувчиларга кимё, биология фанларидан дарс бера бошла-



ди. Ёш, шижоатли, билимли ўқитувчи ўқувчиларни кимё, биология фанларига қизиқтира олди. Ўз касбини астойдил севаганидан бор меҳрини мактабга берди. Педагогик жамоада ҳурмат, иззат топи.

Юсуф муаллим ўқувчиларини ўз фарзандидек кўрар, уларга гоҳ қаттиққўллик билан, гоҳида эркалаб муомала қиларди. У 33 йиллик педагогик фаолияти давомида уч мингдан ортиқ ёшларга таълим-тарбия берди. Бу меҳнатлари учун муносиб тақдирланди, халқ таълими аълочили бўлди.

Устоз оилада ҳам меҳрибон ота, ғамхўр умр йўлдош эди. Турмуш ўртоғи Сайёра ая билан икки ўғил, бир қизни воёга етказди, олий маълумотли қилди.

Оғир беморлиқни бошидан ўтказган Юсуф Махмайсеев 2005 йилда 54 ёшида оламдан ўтди. Уни васиятига кўра, қишлоғига эмас, ўзи меҳнат қилган 54- ва 21-ўрта мактабларга яқин жойда жойлашган Камардон маҳалласи қабристонига дафн этишди.

– Ҳар сафар турмуш ўртоғим қабрини зиёрат қилгани борсам, қабристон устида гуллар кўраман, - дейди Сайёра ая. – Мени шогирдларим йўқлаб туришади, деган эдилар. Билиб айтган эканлар.

Ҳаёт бўлганида устоз бүгун 71 баҳорини қарши оларди. Домланинг хотираси фарзандлари, яқинлари, маҳалладошлари, шогирдлари қалбига абадий яшайди.

Исमत ХУШВАҚТОВ,
маҳалла оқсоқоли.
Кубарро ФАТТОҚУЛОВА,
меҳнат фахрийси.

REKLAMA, E'OLONLAR, BILDIRISHLAR / Gazetamiz haftada uch marta - seshanba, payshanba va shanba kunlari chop etiladi / Gazetada chop etilayotgan reklama va e'lonlar tezkor, samarali va hamyonbop / MUROJAAT UCHUN TELEFON: 66-233-91-56

ДАЪВОЛАР БЎЛСА...
Ургут туманидаги “URGUT MARUFHOJI” масъулияти чекланган жамияти (СТІР: 301021985) ўз устав фонди микдорини 720 679 811 (етти юз йигирма миллион олти юз етмиш тўққиз минг саккиз юз ўн бир) сўмдан 16 245 141 465 (ўн олти миллиард икки юз қирқ беш миллион бир юз қирқ бир нинг тўрт юз олтишш беш) сўмга оширмоқда. Шунингдек, жамият таъсисчилари таркибидан “DODIBOVO” масъулияти чекланган жамиятини чиқарилмоқда.

Шу муносабат билан унга билдирила-диган барча даъволар газетда эълон чоп этилгач, икки ой давомида қабул қилинади.

Манзил: Ургут тумани Навбоб маҳал-ласи, Навобий шаҳ қўчаси, 6 “А”-уй.

Самарқанд шахар Давлат хизматлари марказидан 2022 йил 31 январда 1091057 реестр рақами билан рўйхатга олинган “MADIEV IKROM” масъулияти чекланган жамияти (қисқартirilган номи: “MADIEV IKROM” МЧК) жамият таъсисчисининг 2022 йил 26 апрелдаги 1-сонли қарорига асосан ихтиёрий равишда тугатилмоқда.

Шу муносабат билан унга билдирилади-ган барча эътирозлар газетда эълон чоп этилгач, икки ой давомида қабул қилинади.

Жамиятнинг почта манзили: Ўзе-бекистон Республикаси Самарқанд ви-лояти, Самарқанд шаҳри, Буюк Ипак йўли қўчаси, 32-уй.

Жамиятнинг солиқ тўлайдиган иденти-фикацион рақами (СТІР): 309238369.

Самарқанд шахар Давлат хизматлари марказидан 2022 йил 31 январда 1091299 реестр рақами билан рўйхатга олинган “TURSUNOV XASAN 777” масъулияти чекланган жамияти (қисқартirilган номи: “TURSUNOV XASAN 777” МЧК) жамият таъсисчисининг 2022 йил 26 апрелдаги 1-сонли қарорига асосан ихтиёрий равишда тугатилмоқда.

Шу муносабат билан унга билдирилади-ган барча эътирозлар газетда эълон чоп этилгач, икки ой давомида қабул қилинади.

Жамиятнинг почта манзили: Ўзе-бекистон Республикаси Самарқанд ви-лояти, Самарқанд шаҳри, Буюк Ипак йўли қўчаси, 32-уй.

Жамиятнинг солиқ тўлайдиган иденти-фикацион рақами (СТІР): 309240154.

Жамиятнинг почта манзили: Ўзбекистон Республикаси Самарқанд вилояти, Самарқанд тумани, Хаймари-поён маҳалласи.

Жамиятнинг солиқ тўлайдиган иденти-фикацион рақами (СТІР): 302420171.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Жўраев Камолиддин Мўҳидинович нотариал идорасида марҳум Раҳимова Масумага (2009 йил 26 майда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Жўраев Камолиддин Мўҳидинович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Ўзбеки-стон қўчаси, 35-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Қадирова Мавлуда Туранбаевна нотариал идорасида марҳум Амиркулов Ашуркул Сувоновичга (2021 йил 25 июлда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Қадирова Мавлуда Туранбаевна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Фирдав-сий қўчаси, 96-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Исакулова Нигора Турдикулова нотариал идорасида марҳум Раджабов Рашидага (2018 йил 11 июнда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Исакулова Нигора Турдикулова нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Абу Рай-хон Беруний қўчаси, 12-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Юсупова Дилсура Хасановна нотариал идорасида марҳум Раджабова Холбиби Хусановнага (2016 йил 16 декабрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Юсупова Дилсура Хасановна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Абдурах-мон Жомий қўчаси, 64-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Бобомуродов Пирмамат Исомидинович нотариал идорасида марҳум Норматова Махарам Меликовнага (2020 йил 7 июлда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Бобому-родов Пирмамат Исомидинович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Амир Те-мур қўчаси, 108-уй.

Пайриқ туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ортиқбоев Азиз Азаматович нотариал идорасида марҳум Сотторов Усмон Онорбоевигча (2020 йил 9 декабрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ортиқбоев Азиз Азаматович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Пайриқ тумани Челақ шаҳарчаси, Истиқлол қўчаси, 73-уй.

Пайриқ туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ортиқбо-ев Азиз Азаматович нотариал идорасида марҳум Ағлиулов Ревкатга (2019 йил 22 октябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ортиқбоев Азиз Азаматович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Пайриқ тумани Челақ шаҳарчаси, Истиқлол қўчаси, 73-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Жўраев Камолиддин Мўҳидинович нотариал идорасида марҳум Ашурбаев Шарафга (1988 йил 3 апрелда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Жўраев Камолиддин Мўҳидинович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Ўзбеки-стон қўчаси, 35-уй.

Пайриқ туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Мўхаммадиев Фарход Жўракулович нотариал идорасида марҳум Худойбердиев Бекташга (2013 йил 28 декабрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Мўхаммадиев Фарход Жўракулович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Пайриқ тумани Челақ шаҳарчаси, Истиқлол қўчаси, 76-уй.

БЕКОР ҚИЛИНАДИ
Самарқанд давлат тиббиёт институтини академик лицейидан 2020 йилда Абду-ғаниев Шахзод Илхом ўғли номига берилган рўйхат рақами 125, Л № 0021652 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Пайриқ туманидаги 88-умумий ўрта таълим мактабидан 2004 йилда Хасанов Голиб Абдурайимович номига берилган О'Р-А № 1751323 рақамли ўрта маълумот тўғри-сидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд туманидаги 44-ўрта мак-табдан 1989 йилда Зокиров Мансуржон

Климович (хозирда Мирсалиев Мирмансур Клич ўғли) номига берилган Б № 251410 рақамли тўлиқсиз ўрта маълумот тўғрисида-ги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тойлоқ туманидаги 2-умумий ўрта таъ-лим мактабидан 1997 йилда Юлдошова Дилафруз Норпулотовна номига берилган У № 396007 рақамли тўлиқсиз ўрта маълумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тойлоқ туманидаги 18-умумий ўрта таъ-лим мактабидан 2009 йилда Бегимов Феруз Фуркатович номига берилган У № 3677767 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд туманидаги собиқ 35 (хози-ри Самарқанд шаҳридаги 38)-умумий ўрта таълим мактабидан 1994 йилда Бурхонова Зилола Абдурахимовна номига берилган У № 0520614 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Нарпай туманидаги 64-умумий ўрта таълим мактабидан 2020 йилда Очилов Жонибек Отабек ўғли номига берилган УМ № 0513556 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Нарпай туманидаги 17-умумий ўрта таълим мактабидан 2003 йилда Ғайбулла-ев Жавлон Эдигар ўғли номига берилган У № 0226521 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Булунғур туманидаги 18-умумий ўрта таълим мактабидан 2001 йилда Абдусайдов Умар Тешаккулович номига берилган О'Р-З № 0750630 рақамли таянч маълумот тўғри-сидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Булунғур туманидаги 51-умумий ўрта таълим мактабидан 2020 йилда Қувондиқов Бобур Қаҳрамон ўғли номига берилган УМ № 0497077 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Булунғур туманидаги 35-умумий ўрта таълим мактабидан 2003 йилда Шадамнова Мунира Бахтиёровна номига берилган У № 0566941 рақамли ўрта маълумот тўғриси-даги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Булунғур туманидаги 22-умумий ўрта таълим мактабидан 2005 йилда Даниярова Дилафруз Мамаширповна номига берилган

У № 1701639 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тойлоқ туманидаги 44-умумий ўрта таъ-лим мактабидан 2008 йилда Жуманов Сирож Рашидович номига берилган У № 3133941 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд туманидаги 22-умумий ўрта таълим мактабидан 2007 йилда Раҳимова Вазира Тилавовна номига берилган У № 2539187 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Оқдарё туманидаги 18-умумий ўрта таълим мактабидан 2007 йилда Рахматова Баҳора Мўҳиддин қизи номига берилган У № 2520427 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Оқдарё туманидаги 38-умумий ўрта таълим мактабидан 2001 йилда Қурбано-ва Камола Баҳруллаевна номига берилган О'Р-А № 1071792 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд шаҳридаги 30-умумий ўрта таълим мактабидан 2021 йилда Арзикулова Умида Орузкулова номига берилган УМ № 0985507 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд шаҳридаги 3-умумий ўрта таълим мактабидан 2004 йилда Каримова Зулхумор Абдуманоновна номига берилган У № 1084970 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежидан 2013 йилда Салманов Азизбек Биналиевич номига берилган рўйхат рақа-ми 1071, К № 2948390 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Жомбой информатика ва хизмат кўр-сатиш касб-хунар коллежидан 2019 йилда Бурхонов Давлатбек Зафар ўғли номига берилган рўйхат рақами 1434, К № 5560082 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқол-ганлиги сабабли бекор қилинади.

Булунғур саноат ва сервис касб-хунар коллежидан 2018 йилда Худойбердиев Саъ-дулла Худойназар ўғли номига берилган К № 5124970 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

бўлиб ишлардим, – дейди Мўхамма-ди Остонов. – Раисимизнинг қачон ухлаб, қачон дам олишини бил-масдик. У киши идорада ўтиришни ёқтирмас, дала айланса, бригада майдонларини кўздан кечирмаса, кўнгли тўлмасди. Ҳар бир механи-затор, сувчи, колхозчининг исмини айтиб мурожаат қиларди

➤ Рамазон туҳфаси

Хожа Убайдуллоҳ Маҳмудхожа ўғли Аҳрор Валий номи билан машҳур бўлиб, 1404 йил Тошкентда дунёга келган. Отаси Хожа Маҳмуд ва боболари маърифатли кишилар бўлган, деҳқончилик ва тижорат ишлари билан шуғулланган. У она тарафидан машҳур шайх Хованди Тоҳурга бориб уланади.

НАҚШБАНДИЯ
тариқатининг буюк муршиди

22 ёшида тоғаси Хожа Иброҳим Шоший уни таҳсил олиш учун Самарқандга олиб келади. У бу ерда Мавлоно Қўтбиддин Садр мадрасасида таҳсил олади. 1428 йилда Ҳирот шаҳрида Сайид Қосим Табризийда таҳсилни давом эттиради. Чағонийн мавзеида яшовчи нақшбандия тариқати муршидларидан бири Мавлоно Якуб Чархийдан тасаввуфни кунт билан ўрганади. 29 ёшида Тошкентга қайтиб, тоат-ибодат ва деҳқончилик билан машғул бўлади. Манбаларда кўрсатилишича, Хожа Аҳрорнинг хўжалик фаолияти тез орада жуда кенг ривож топади. "Рашаҳот" асари муаллифи Фахриддин Али унинг ерлари Тошкент вилоятидан Амударё соҳилларигача бўлган ҳудудда 1300 дан ортиқ экинзорларни ташкил этганини эслатади. Майда мулк эгалари солиқлардан қутулиш учун ўз ерларини Хожа Аҳрор ихтиёрига ўтказишган. Унинг ҳукмдорлар олдидаги нуфузи фавқуллодда солиқларни меҳнат-кашлар гарданига юклашдан уларни ҳимоя қиларди.

У халқ орасида анча танилиб, 1450 йилдан кейин яна Самарқандга келади. Хожа Убайдуллоҳнинг ҳаёт йўли ва фазилатини баён қилувчи кўпгина тарихий асарлар орасида энг биринчилардан бўлиб ёзилган "Масмуот" (Эшитилган) асари кўёви ва издоши Мир Абдуллаев Нишопурий томонидан XV аср охириларида битилган. Унда Хожа Аҳрорнинг фазилати, сўфийлик дунёқараши ҳақида сўз борган. Нақшбандия тариқатининг Хожа Аҳрор Валий орқали тарқалган силсиласи нафақат Мовароуннаҳр ҳудуди, балки Хуросон, Ироқ, Озарбайжон, Миср, Хитой ва Ҳиндистонгача етиб борган. Самарқанд мансуби Хожа Аҳрорнинг ўзига жалб қилувчи оҳанрабоши шу даражада кучли эдики, унинг ширинсухан соҳбалари умрбод эсда қоларди, деган сўзлари ҳам тасаввуф таълимотида унинг маънавий мавқеи юқори бўлганидан далолат беради. Хожа Аҳрори Валийдан

шогирди Мавлоно Муҳаммад Қози орқали Маҳдуми Аъзам Даҳбедийдан бошлаб "нақшбандия-аҳрория-дахбедия" тармоғи шаклланган. Унинг авлодларидан Нақибхон Тўғрал, Султонхон Тўра Адо каби улўғ кишилар етишиб чиққан. Хожа Аҳрор қаламига мансуб бир нечта рисола бизгача етиб келган. Улардан бири "Фақарот ул-орифин" (Орифлар сўзларидан парчалар) номи билан машҳур бўлиб, унда мўаллифнинг ва баъзи тасаввуф намояндаларининг тариқатга оид фикрларидан намуналар келтирилган. "Волидия" деб номланган иккинчи рисолада тариқат йўлига кирган кишининг ахлоқ-одоби, фақр ва фано тушунчалари ҳақида сўз боради. Хожа Убайдуллоҳ нақшбандия тариқатининг энг буюк муршидларидан бири эди ва ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётда катта ўз қолдириб, ўз даврида шухрати дунё мамлакатлари бўйлаб машҳур бўлган. Унинг тасаввуф тарихидаги буюк хизматларидан бири нақшбандия силсиласи ислом оламидаги энг улўғ силсилалардан бирига айланишидир. У тасаввуф тарихида биринчи бўлиб халқ равнақи йўлида тариқатни сиёсатга, подшоҳларга таъсир кўрсатувчи амалиётга айлантирди. Хожа Аҳрор Валий 1490 йилда Самарқандда вафот этган.

Меҳрожиддин АМОНОВ,
Имом Бухорий халқаро
илмий-тадқиқот маркази
илмий ходими.



БАХТ НИМА?

Бунинг мезони, одоб пайғамбари Муҳаммад алай-ҳиссаломга эргашмоқдир.
Бахт – Ҳақни ва халқни рози қилиб, севинмоқдир.
Бахт – севганларимизни севинтириб, ҳузур топтоқдир.
Бахт – нафсимиз билан бирга, руҳимизни ҳам севинтирмоқдир.

Суюндик Мустафо НУРАТОЙИ.

➤ Китоб жавонингизга

“Лайли ва Мажнун”

ТОЖИК ТИЛИДА

Буюк мутафаккир Алишер Навоий асарлари ўзи ҳаётлигидаёқ бир нечта тилларга таржима қилингани маълум. Хусусан, XIV асрда шoirнинг кўпгина асарлари форс-тожик тилига ўғирилган. Аммо бугунгача "Хамса"дан фақатгина "Фарҳод ва Ширин" дostonи тожик тилига ўғирилган эди. Таржимон Жонибек Кувноқ бундан 30 йиллар аввал ушбу бешиқдан "Лайли ва Мажнун" dostonини таржима қилишга киришиб, мутафаккир таваллудининг 550 йиллигида ниҳоялаган эди. Ўқинида ушбу таржима тожик тилида нашр этилди. Эски маф-

кура таъсирида баъзи ўринлари қисқартирилган шаклда амалга оширилган таржима таниқли ижодкор, муҳаррир Асадулла Шукров томонидан асарнинг истиқлол йилларида тўлиқ нашр қилинган аслият матни билан байтма-байт қиёслаб нашрга тайёрланган. Ушбу таржима нашрнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, байтлар китобда ҳар икки тилда ёнма-ён берилган. Бу ўқувчига қулайлик яратади.

“Дурдонаи Шарқ”
ЧОП ЭТИЛДИ

“Дурдонаи Шарқ” (Шарқ дурдонаси) номли адабий, илмий-маърифий журналнинг биринчи сони нашрдан чиқди. Унда Ўзбекистонда яшаб ижод қилаётган таниқли тожикзабон шоир ва ёзувчилар ҳамда ёш қаламкашларнинг ижод намуналари, ўзбек адабиётидан таржималар ўрин олган. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг вилоят бўлими тожик шўъбаси ташаббуси билан чоп этилаётган мазкур журнал ёш

авлод қалбида Ватанга, адабиётга, маърифатга муҳаббат уйғотиш, уларни баркамол қилиб тарбиялашда муҳим ўрин тутиши, шубҳасиз.

Зухра НОРҚУВАТОВА,
ахборот-ресурс маркази мутахассиси.

TARAQQIYOT UCHUN
MUKAMMAL ALIFBO ZARUR

Uch yil atrofida muhokama, mu-nozaralar qilinib, lotin yozuviga asoslangan yangi o'zbek alifbosiga kiritiladigan o'zgarishlar masalasi hal bo'lish arafasida. Oxirgi muhokama va amalda qo'llash uchun uni tasdiqlash Oliy Majlis ixtiyorida qoldi.

Garchi muhokamalar tugab, navbat so'nggi so'zga kelgan bo'lsa-da, masala o'ta muhim bo'lganligi tufayli munozara va turli xavotirlar tinganicha yo'q. Bunga bir qator sabablar bor, albatta.

Bu xavotirlarning birinchisi yangi alifboni qariyb o'ttiz yildan beri o'rganmay kelayotgan katta yoshli kishilarda sezilmoqda. Ular birdan yangi alifboga o'tilsa (yangi alifboga o'tish uchun o'ttiz yillik tayyorgarliklarimiz qayoqqa ketdi?), qanday qilib ishlayman degan xavotirda. Bunday kishilar uzog'i bilan yana 4-5 yil ichida yangi alifboda savod chiqargan yosh mutaxassislarga o'z o'rinlarini bo'shatib berishlari lozimligini o'ylab xavotirga tushishmoqda.

Hurmatti vatandoshlar, yangi alifboning takomillashtirilishiga to'siq bo'lgandan ko'ra, mam-lakatimizning yangi Rennessans davrida barq urib rivojlanishini ta'minlashga bel bog'lagan yoshlarimizga mustaqil, ijodkorlik va tashabbuskorlik bilan harakat qilishlari uchun yo'l beraylik, ularni qo'llab-quvvatlaylik!

Ikkinchi xavotir shuki, o'ttiz yildan buyon kamchiliklari sezilib turgan, ammo tuzatishga imkon bo'lmagan yangi alifboni isloh qilib, uni amalda joriy etishga, ya'ni shiorlar, bannerlar, ko'rsatkichlar, gazeta, jurnallar, darslik va o'quv qo'llanmalar, hujjatlarni almashtirish, xodimlarni o'qitish va boshqa shu kabilarga ketadigan xarajatlar uchun "bir olam" mablag' sarflanishi lozim, deb hisoblayotgan "hadikchi iqtisodchilar"ning behuda tashvishlanayotganliklaridir.

Azizlar, bu xavotir ham o'rinni emas. Bunday ishlar uchun mablag' kerak, albatta. Ammo sizlar xavotir olayotganlikaringizchalik juda katta miqdorda emas. Shuni unutmashlik kerakki, bugungi kelajak avlod uchun qilinayotgan bu islohot kelgusida katta samara berib, ulkan zafarlar qushishimiz uchun mustahkam poydevor bo'ladi. Unutmaylik, bu dunyoda hech narsa abadiy emas, hamma narsa muvaqqat, rivojlanish va taraqqiyotda, doimiy olg'a harakatda. Shahar-u qishloqlarimizni bezab turgan rang-barang shiorlar, bannerlar, ko'rsatkichlar, reklama va e'lonlarning barchasi ma'lum muddatdagina xizmat qiladi. Muddati o'tab bo'lingach, ular o'rninga boshqalari yangi alifboda chiroyli qilib chiqarib qo'yilaveradi.

Mamlakatimizda chop etib kelinayotgan davriy nashrlar – gazeta va jurnallar bosqichma-bosqich yangi alifbo va imloga o'tkazilmoq-

da, maktab darsliklari va o'quv qo'llanmalar Xalq ta'limi vazirligining tasdiqlangan qat'iy rejasi asosida belgilangan muddatlarda (ko'pi bilan 3-4 yilda) qayta nashrdan chiqariladi. Endi yuritilayotgan hujjatlarni almashtirish masalasiga kelsak, bu ham u qadar murakkab emas. Chunki, barcha hujjatlarni yangi alifboga birato'la almashtirish shart emas. Arxivlarimizdan hozirda ham arab yoki lotin alifbosidagi hujjatlardan nusxa olib foydalanilmoqda-ku?! Kutubxonalari-mizda arab, lotin, kirill alifbolarida nashr etilgan nodir asarlar jamiyatimiz taraqqiyotiga beminnat xizmat qilib kelmoqda. Buni hech kim inkor eta olmaydi.

Keling, bu xavotirlarga aslo o'rin yo'qligini, aksincha, alifbodagi kamchiliklar qanchalik tez isloh qilinsa, foydadan xoli emasligini yanada aniqroq misollar yordamida ko'rib o'taylik.

1995-yil 5-mayda o'zgartirish va qo'shimchalar kiritilgan amaldagi lotin yozuviga asoslangan yangi alifbomiz: **Aa, Bb, Dd, Ee, Ff, Gg, Hh, Ii, Jj, Kk, Ll, Mm, Nn, Oo, Pp, Qq, Rr, Ss, Tt, Uu, Vv, Xx, Yy, Zz, O'o', G'g', SHsh, CHch, Ngng** harflari va harf birikmalaridan iborat. Bu harflarga ko'zimiz o'rganib qolgan. Shundan atigi 2 ta harf va 3 ta harflar birikmasini shaklan o'zgartirish taklifi ilgari surilmoqda. Yanada soddaroq qilib aytadigan bo'lsak, **O'o', G'g', SHsh, CHch, Ngng** harflari-ning qo'llanishidagi g'ayridatiy holatlardan qutulish uchun ularga tuzatishlar kiritilmoqda.

Qarang: **O'o'** harfi **Öö** shakliga, **G'g'** harfi **Ğğ** shakliga (bu ikkala harfning yangi ko'rinishi ularning mavjud yozma shakllariga yaqinlashtirilgan), **SHsh** harflar birikmasi **Sş** shakliga, **CHch** harflar birikmasi **Çç** shakliga, **Ngng** harflar birikmasi **Ŋŋ** shakliga o'tkazilishi maqbulligi haqidagi mulohazalar ommaviy axborot vositalari, ijtimoiy tarmoqlarda bo'lgan aksariyat mulohakamalarda, Ma'naviyat va davlat tilini rivojlantirish masalalari departamenti yig'ilishlarida ma'qullanib, tasdiqlash uchun O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi muhokamasiga taqdim etildi. Bu o'zgarishlar alifbomizdagi mavjud beshtagina harfning ixchamlashishiga olib kelyapti, ular tashqaridan boshqa biror bir harf bilan almashtirilayotgani yo'q. Mana shu o'zgarishlar bilan isloh qilingan va tasdiqlash uchun tavsiya etilgan lotin yozuviga asoslangan yangi alifbomiz quyidagicha, nisbatan mukammal ko'rinish oladi: **Aa, Bb, Dd, Ee, Ff, Gg, Hh, Ii, Jj, Kk, Ll, Mm, Nn, Oo, Pp, Qq, Rr, Ss, Tt, Uu, Vv, Xx, Yy, Zz, Öö, Ğğ, Şş, Çç, Ŋŋ**. Agar mana shu isloh qilingan alifbo tegishli tasdiqlardan o'tib, amaliyotga tatbiq etilsa, ortiqcha xavotir va muhokamalaragagina emas, noqulay va imloni amalda qo'llashdagi barcha aniqlayliklarga barham berish uchun ham asos bo'ladi.

Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Ma'naviyat va davlat tilini rivojlantirish masalalari departamenti ishchi guruhi, Alisher Navoiy nomidagi Toshkent davlat o'zbek tili va adabiyoti universiteti pro-



fessor-o'qituvchilari, boshqa bir qator ilmiy va oliy ta'lim muassasalari mutaxassislari, ilimiz jonkuyarlari tomonidan ishlab chiqilgan ushbu taklif juda to'g'ri, o'rinni va tahsinga sazovar ish bo'lgan. Shunga qaramasdan, o'rni kelganda yangi alifboga kiritilgan harflar bo'yicha ikki jumla o'z mulohazamizni ham bildirib o'tsak.

O'zgarishlar alifbomizdagi **Öö** harfi tepasiga qo'shimcha belgi qo'yish orqali **Öö** harfi, **Gg** harfi tepasiga belgi qo'yish orqali **Ğğ** harfi, **Nn** harfi tepasiga belgi qo'yish orqali **Ŋŋ** harfi, **Ss** harfi pastiga belgi qo'yish orqali **Sş** harfi hosil qilinmoqda. Xo'sh, shu o'rinda haqli bir savol tug'iladi, taklif etilayotgan **Çç** harfi uchun qaysi harf asos qilib olindi? Axir, alifbomizda bunday harf yo'q-ku?! Agarda alifbomizga ruscha baynalmilal so'zlar orqali tilimizga kirib kelgan va o'zlashib ketgan necha yuzlab so'zlardagi kirilcha **Цц** harfi o'rninga lotincha **Cc** harfi qabul qilinmayotgan ekan, shu harfning o'zini hech qanday qo'shimcha belgi, dum qo'ymasdan **CH** harflar birikmasi o'rninga qabul qiladigan (işonc, cömic, toñ, toğ, toş), nima yo'qotamiz? Yoki **Cc** harfini ham (**Цц** o'rinda) alifbomizga kiritib, unga qo'shimcha belgi qo'yib, taklif etilayotganidek **CH** o'rinda **Çç** shaklida qo'llasak, alifbomiz yanada mukammal harflarga ega bo'lmaydimi?!

Ming yillar davomida shakllanib, yuksak taraqqiy topgan ona tilimiz tovushlari orasida o'ziga xos ohangdorlikka ega bo'lgan, boshqa til-larda mutlaqo uchramaydigan nodir burun undosh tovushini ifodalash uchun **Ŋŋ** harfining alifbomiz tarkibiga kiritilishiga qarshi bo'layotganlar ta'kidlaganlaridek, uning alifbo tarkibida bo'lishi savodxonlikka putur yetkazmaydi, aksincha, kirill alifbosida sakson yildan ko'proq vaqtdan buyon yo'l qo'yib kelinayotgan imloviy xatolar, uslubiy g'aliziklarga butunlay barham berish uchun xizmat qilishini tilshunos-mutaxassis sifatida qat'iy ta'kidlayman.

Lotin yozuviga asoslangan yangi o'zbek alifbosi sirasiga kiritilayotgan bu o'zgarishlar O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi deputatlari, Senat a'zolari tomonidan yakdillik bilan qabul qilinsa, o'zbek adabiy tilining rivojiga, imlomizning mukammallashuviga, ta'lim-tarbiya samaradorligi hamda savodxonligimizning oshishiga, barcha sohalarida tubdan yangilanayotgan mustaqil O'zbekiston taraqqiyotiga keng yo'l ochiladi.

Mardon BOLTAYEV,
Sharof Rashidov nomidagi Samarqand davlat universiteti ken-gashi ilmiy kotibi, dotsent.

Сени тушунганга
Бергил жонингни

Исматулла Йўлдошев (1953-2021) -
хўқўқшунос, шоир.

Узоқ йиллар прокуратура органларида ишлаган. Унинг “Ҳабиб бўлгил менга, муҳаббат”, “Бунда тонглар кашф этар ўзни”, “Армонли дунё”, “Ҳавас”, “Бир ховуч офтоб”, “Қўнгил ёғдуси”, “Умр девони”, “Қалб чироғи”, “Бешиқдаги нур”, “Рубежи жизни” ва “Умр сарҳадлари” каби ўнлаб шеърӣ китоблари, ҳужжатли қиссалари нашр этилган. Асарлари асосида иккита бадийий фильм яратилган.



Бул заминнинг бозори кўп, сабри кўп,
Хар қаричда мозори кўп, қабри кўп.
Оҳиста юр, эй, ўткинчи мусофир,
Нопок бўлсанг, озори кўп, жабри кўп.

Афв этиш санъатин ўрганган одам,
Ҳазо усулларин билар мукаммал...
Емонлик шундай бир илм: буюксан –
Яшасанг, ўшанга қилмасдан амал.

Савобим ёнма-ён ғуноҳим билан,
Азобим ёнма-ён шу оҳим билан.
Инсонни тергамоқ энг оғир савдо,
Чақирсанг, борурман ғувоҳим билан.

Ватансизлик дилни этади вайрон,
Ҳоҳи мусулмонсан, хоҳ кофир бўлсанг.
Энг оғир кулфат шу: бўлмагил хайрон,
Ўзинг ўз уйингда мусофир бўлсанг.

На яёв, на отлик, на бор қанотим,
Билмасман, не кечар эрта мамотим.
У – сенинг қўлингда, эй, муҳтарам зот,
Шу парча қоғозга боғлиқ ҳаётим.

Сени тушунганга бергил жонингни,
Қизганма мол-дунё, бурда жонингни.
Душманинг дўст бўлиб, дўстларинг сотса,
Секин йиғиштиргин жомадонингни...

Амалга эришсанг, ўзни унутма,
Хуш калом, ҳалол ризқ, сўзни унутма.
Эгингда шоҳона либос бўлса-да,
Жандаи жулингни, бўзни унутма.

Нодонга эрк берсанг, кўпириб жўшар,
Бир сўзга қирқ ёлғон ўпириб қўшар,
Туяга мингину узокни кўзла,
Осмонга тупурсанг бошингга тушар.



MUASSIS: Samarqand viloyati hokimligi

Bosh muharrir: Farmon TOSHEV

Gazeta O'zbekiston matbuot va axborot agentligining Samarqand viloyat boshqarmasida 2012-yil 30-martda 09-01 raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr 100. Indeks 438. 20 270 nusxada chop etildi. Buyurtma 275. Hajmi 2 bosma taboq, bichimi A-2

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

QABULXONA: (66) 233-91-51, REKLAMA VA E'LONLAR: (66) 233-91-56

BO'LIMLAR: (66) 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61

MANZILIMIZ: 140100, Samarqand shahri, Ulug' Tursunov ko'chasi, 80-uy, Matbuot uyi.

Gazeta «Zarafshon» tahririyatining kompyuter bo'limida sahifalandi.

«Noshir lux» MCHJ bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uy.

Bosishga topshirish vaqti: soat 18:30 da. Bosishga topshirildi: soat 19:00

Navbatchi muharrir:

A.SHERXOLOV.

Navbatchi:

Y.MARQAYEV.

Sahifalovchi:

B.ABDULLAYEV.



Saytimizga o'tish uchun QR-kodini telefoningiz orqali skaner qiling

ISSN-201667X



Sotuvda narxi kelishilgan holda